

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ШАРҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

ТАТУ Қарши Филиали
“Гуманитар ва ижтимоий фанлар”
кафедраси мудири З.Нодирова

Жамиятда ахлоқий нормалар шаклланган даврлардан бошлаб, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, кишиларга муносабати, ички маънавий дунёси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни нафақат ўша давр учун, балки кейинги авлод учун ҳам долзарб муаммога айланиб қолмоқда. Президетимиз таъкидлаганидек, “Халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга кодир эканини намоён этади.”¹

Жалолиддин Румий Қуръони карим оятлари ва ҳадисларидан фойдаланиб, ўзининг “Ичингдаги ичингдадур” асарида: “Одамлар кўп ҳолларда кўзга кўринган ташқи белгилар, сурат шаклларга қараб ҳукм чиқарадилар. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қиладилар, шунда улар одатлар, маросимлар, ақидаларга ёпишиб оладилар; мазҳаббозлик, тарафкашлик билан шуғулланадилар ва буларга кунигиб қоладилар. Ҳолбуки, Илоҳ талабгори булардан юқорига кўтарилиши лозим”² дейди. Румий дарвешлар, сўфийларни ана шундай одамлар қаторига қўшади. Моҳиятни идрок этмай тавҳид сирини, иймон нурини эгаллаш, илм-маърифат қозониш мумкин эмас деб таъкидланади. Румий яна назокат, мулойимлик, латофат сўзларига алоҳида эътибор қаратади. Рух латиф ва мулойим, жисм эса қаттиқ ва дағал. “Рух шундай бир латифадирки, у ғайбдан қалбга кириб келади, у ҳаётнинг асоси ва ҳатто ҳаётдан ҳам баланд, рух—Раббоний амрдир”³. Кўриниб турибдики, Румий инсоннинг кўпроқ руҳий борлиғига эътиборини қаратади. Демак, рух ғайб оламидан келиб қалбга кирадиган латиф бир қувват. “Инсоннинг моҳияти табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқлантирувчи белгиси ҳам шу латиф рухдандир. Шу рухдирки, инсонни тинмай маънавий камолотга етаклайди, унинг ақлини ўстиради, нозиклаштиради, мулойимлик бағишлайди. Жисм—табиат ва инсон қобиғи, моддий жиҳати, рух эса ақл жавҳари, инсон моҳиятидир. Шу боис, дилнинг шаффофлиги унда илоҳий нурнинг, маърифатнинг кўплиги, мухаббатнинг лиммо лим эканлигидадир”⁴ деб таъкидлайди. Файласуф мулойимликнинг қуйидаги сифатлари кўрсатиб ўтади:

-мулойимлик ҳаётнинг жавҳари, ҳақиқати.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2009 йил. Б. 169-170.

² Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. Б. 121.

³ Тасаввуф. Тавҳид асрори. Нажмиддин Комилов. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Тошкент-1999 Б-36.

⁴ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент, 1998. Б.56.

-мулойимлик раҳм шавқат, мурувват демакдир.

-у юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати;

-у Аллоҳга яқинлашган инсон сифати;

-у инсонни тараққиёт, такомиллик, уйғунлик—гармония белгиси.

Инсон яратган маданият ва маънавият (муסיқа, рассомлик, шеръият) мулойимлик қонунига амал қилади. Инсоният тараққиётининг ўзи қўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳлдан ақлга томон ҳаракатдадир. Мулойимлик эзгулик, гўзаллик, гўзал ғоя, гўзал сўз, гўзал ҳулқ атвор, гўзал қалб каби сўзлар билан тасвирланади.

Манбаларда келтирилишича, инсон ўз ҳис туйғулари билан ўз қўл-оёқларини боғлаб қўяди. Бироқ, у ўз камолоти учун, энг аввало ундаги оғриқ фикрлаш жараёнларини даволаши ва ҳис туйғуларини ўзгартириши ва шу давони тасаввуфдан кидириш лозимлиги келтирилади. Инсоннинг фикрлаш жараён соғлом бўлган вақтдан бошлаб, у ҳақиқатни тушуна бошлайди. Тасаввуф инсоннинг руҳини даволайди. Тасаввуф “руҳий бўҳронлар”ни баён этиб лозим бўлган дорилар ва энг муҳим бўлган чора тадбирларни тавсия қилиб, маъсият билан қопланган хаста нафсларни даволайди ва ҳақли равишда қалбий ёҳуд нафсоний тиббиёт номини олади”. Тасаввуф инсон қалбини маънавий кирлардан тозалайди. Тасаввуф покизаликни амалга оширувчи бир малҳамдир. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, интуиция Жалолиддин Румий назарида илоҳий, ички англаб бўлмас моҳиятга эга. Интуиция инсоннинг руҳий ҳолати, яъни онг ҳолатдан юқори бўлган, илоҳиёт билан алоқаси назарда тутилар экан. Нафақат инсон ақли, онги орқали, балки ички руҳий олами ҳам уни баркамол этиши шубҳасиз. Ж.Румий таъкидича, инсон қалбигина нарсаларнинг моҳиятидан хабардордир. Лекин бунинг учун инсон қалби пок ва равшан бўлмоғи керак. Ҳақиқат инсон тафаккурида эмас, балки инсон қалбидаги илоҳий нурдадир.”¹ Мазкур фикрга Жалолиддин Румий қиёсий таҳлил беради: “Олов Аллоҳнинг ишқи, олов маъно, олов Ҳақ ишиқида ёнган кўнгил дарди². Шу боис алломанинг “Маънавий Маснавий” асарини инсон тафаккурини оловлантириб, илоҳий моҳиятини англаш сари олиб борадиган Ишқнинг тафсири дейишади. Жалолиддин Румий билиш жараёнида руҳ тушунчасига юқори баҳо беради. “Рух шундай бир латифдирки, у ғайбдан қалбга кириб келади, у ҳаётнинг асоси ва ҳатто ҳаётдан ҳам баланд, руҳ—Раббоний амрдир”³-дейди аллома. Инсоннинг моҳияти табиатдаги бошқа жонзотлардан

¹ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.Б 121.

² Румий, Жалолиддин. Маънавий Маснавий: Куллийёт. Ж.1.К.1/ Таржима шаҳри билан; / Таржимон А. Маҳкам; Маъсул муҳаррир Т. Маҳмудов/.—Т.: Шарқ, 1999. Б 9.

³ Тасаввуф. Тавҳид асрори. Нажмиддин Комилов. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Тошкент-1999 36-бет

фарклантирувчи белгиси ҳам шу латиф руҳдан деб келтиради у. Шу руҳдирки, инсонни тинмай маънавий камолотга етаклайди, унинг ақлини ўстиради, нозиклаштиради, мулойимлик бағишлайди. Жисм—табиат ва инсон қобиғи, моддий жихати, руҳ эса ақл жавҳари, инсон моҳиятидир. Шу боис, дилнинг шаффофлиги унда илоҳий нурнинг, маърифатнинг кўплиги, мухаббатнинг лиммо лим эканлигидадир деб таъкидлайди. Олим таъкидича, Инсон яратган маданият ва маънавият (муסיқа, рассомлик, шеръият) мулойимлик қонунига амал қилади. Инсоният тараққиётининг ўзи кўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳддан маърифатга томон ҳаракатдадир. Мулойимлик эзгулик, гўзаллик, гўзал ғоя, гўзал сўз, гўзал ҳулқ атвор, гўзал қалб каби сўзлар билан тасвирланади.

Инсондан ташқаридаги олам унинг ички оламида акс этади ва бу иккала олам ягона бир нарсадир. Бу икки оламини бирлаштирувчи инсон эса ўзининг руҳий қудрати орқали оламга нур таратиб туради ва олам моҳияти инсон руҳий ҳаётининг моҳияти орқали очилади. Румийнинг фикрича, инсон Тангрининг устурлобидир ва бу устурлобда бутун олам кўринади. Инсон оламдаги барча мавжудотларнинг бирлигини ўзининг руҳий борлигида акс эттиради. Инсоннинг руҳий борлиғи ундаги илоҳий кучдир ва бу куч оламдаги барча нарсаларни бирлаштиради. Инсоннинг руҳий борлиғи ўзига руҳий озуқа талаб этади. Бу озуқа шакли намозда мавжуд, лекин унинг моҳияти намоз билан белгиланмайди. Инсон қалбидаги Аллоҳга бўлган бениҳоят кучли меҳр инсон вужудини истиғроқ ҳолатига келтиради. Бу ҳолатда инсон намозсиз ҳам Тангрининг нури билан бирлашади ва бу илоҳий нур билан бирлашиши инсон вужуди учун асосий руҳий озуқа ҳисобланади. Инсоннинг борлиғи, ички олами бутун олам билан бирлашиб кетади ва нурга айланади. Бу ҳол сўфийларда самовий зикр вақтида кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Румий назарда тутган билиш жараёни – инсоннинг ички олами, сийрати, ҳис туйғулари, илоҳий нур билан боғлиқ бўлган жараёндир. Айни пайтда, Жалолиддин Румий руҳнинг сифатлари, хусусиятларини баён этиши билан инсоннинг ахлоқий ҳислатларини очиб беради. Жалолиддин Румий асарларида интуицияни бутун ва қисм категорияси орқали инсон ва олам муносабатлари тарзида келтирилганлигини кўришимиз мумкин.